

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

Риштон туманида маҳаллий аҳоли ҳамда янги қурилаётган массивларни зарур ҳолларда электр энергияси билан таъминлаш бўйича “Худудий электр тармоқлари” АЖКнинг малакали муҳандислари ва ишчи-ходимлари томонидан зарур амалий ишлар олиб борилмоқда.

Туманимиздаги “Тўда” ва “Марказ” маҳаллаларида олиб бораётган қурувчиларни электр энергияси билан таъминлаш, электр тармоғига улаш борасида қилинаётган ишлар бунга мисол бўла олади.

Хусусан, электр ускуналарда авариявий ҳолатлар содир бўлишини олдини олиш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилиб, мазкур ҳудудларда электр таъминоти ускуналарини таъмиrlаш-тиклаш доирасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Энергетикларимизнинг ғайрат-шижоати туфайли ушбу маҳаллаларидаги аҳоли яшаш жойлари электр таъминоти яхшиланмоқда. Қурилиш майдонига айланган обьектлар, янги барпо этилаётган туар жойларни электр энергияси билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Худудларда электр таъминотини янада яхшилашга қаратилган ҳаракатлар давом этмоқда.

2022-03-14 15:21:53